

Қозғоғистон
Республикаси
Мустақиллиги
ва газетализми



Жанубий Қозоғистон

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

janubiy.kz

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2021 йил 18 март, пайшанба. №30 (2935).

САВРОНЛИКЛАР ЭЛБОШИДАН МИННАТДОР



МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ ВАЗИЯТ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Қозоғистон Президенти Қасим-Жўмарт Тўқаев Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев билан телефон орқали мулоқотда бўлди.

Давлат раҳбарлари Марказий Осиёдаги вазият юзасидан фикр алмашдилар, ушбу стратегик муҳим минтақанинг хавфсизлиги, барқарорлиги ва фаровонлигини таъминлаш мақсадида кенг қўламли, самарали ҳамкорликка ўзаро интилишларини тасдиқладилар.

Икки давлат ҳукуматлари ўзаро савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликнинг асосий масалаларини ҳал қилиш юзасидан мувофиқлаштирилган ишларни давом эттиради.

Қасим-Жўмарт Тўқаев Алмати аэропорти яқинидаги авиаҳалокат қурбонларига таъзия изҳор қилгани учун Ўзбекистон раҳбарига миннатдорчилик билдирди.

Мулоқот сўнггида Қозоғистон ва Ўзбекистон президентлари кўп қиррали ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни стратегик шериклик, кўп асрлик дўстлик ва яхши қўшничилик ришталарига таянган ҳолда мамлакатлар ва халқлар манфаатлари йўлида янада мустаҳкамлашга қатъий интилишларини таъкидладилар. Президентлар яқинлашиб келаётган Наврўз байрами билан табриклаб, Қозоғистон ва Ўзбекистон халқларига фаровонлик тиладилар.

Akorda.kz.



Саврон тумани аҳолисига айланган 100 мингдан зиёд аҳоли номидан сўзга чиққан савронликлар тарихий дақиқаларда Элбошига ўз миннатдорчиликларини изҳор этишди. Тарихий янгиликни қувонч билан қабул қилган аҳоли Улуснинг улуг кунни арафасида бошланган эзгу ишга миллат етакчисининг қўшган ҳиссаси учун раҳмат айтишди. Саврон тумани маркази Чўрноқ қишлоғида янги тумanning ташкил этилишига бағишланган тантанали тадбир ўтди.

Савронликлар Туркистоннинг туркий оламининг маданий-маънавий маркази мақомини олишга ҳисса қўшган ва шаҳарни Махсус Фармони билан вилоят маркази этиб тасдиқлаган Элбоши Нурсултан Назарбаевга, Тўнғич Президентнинг ишини давом эттириб, Туркистоннинг риво-

жига залворли ҳисса қўшаётган Президент Қ. Тўқаевга миннатдорчилик билдиришди. – Биз бу кунни кўп йиллардан бери кутганмиз. Халқнинг орзусини рўёбга чиқарган Элбошига, Президентимизга улкан раҳмат.

(Давоми 2-бетда). ▶

• Мустақиллик инъомлари

29 ЙИЛДА 169,7 МИЛЛИОН КВАДРАТ МЕТР УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛДИ

Мустақиллик йилларида 1,5 миллион қозоғистонлик бошпана билан таъминланди, дея хабар беради ҚР Индустрия ва инфратузилмавий тараққиёт вазирлигининг Telegram канали.


«Қозоғистон мустақилликка эришганидан буён 169,7 миллион квадрат метр янги уй-жой қурилди. Бинокорлик ишларига 11,7 триллион тенгедан зиёд сармоя жалб қилинди», дейилади хабарда.

2025 йилга қадар Қозоғистонда 103 миллион квадрат метр уй-жой барпо этилади. Бунинг Ҳукумат йиғилишида ҚР Индустрия ва инфратузилмавий тараққиёт вазирлиги Бейбит Атамқулов маълум қилди.

Бейбит Атамқулов Давлат раҳбари шу йил январь ойида Ҳукуматнинг кенгайтирилган йиғилишида уй-жой қурилишида маҳаллий таркиб улушини кўпайтириш юзасидан топшириқ берганини таъкидлади.

– 2025 йилга қадар мамлакатда 103 миллион квадрат метр уй-жой қурилади. Бу қурилиш материаллари ички бозорини ривожлантириш учун қўшимча имконият яратади. Соҳа эҳтиёжларини аниқлаш учун биз қурилиш материаллари бозорини 24та асосий йўналиш бўйича таҳлил қилдик. Бугунги кунда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар 10 турдаги ашёлари бўйича ички бозор эҳтиёжларини тўлиқ қондирмакда, – деди у.

Primeminister.kz.



14 МАМЛАКАТ БИЛАН ҲАВО АЛОҚАСИ ТИКЛАНДИ

Бугунги кунда юртимизда 14 мамлакат билан ҳаво алоқаси тикланди ва парвозлар сони ҳафтасига 95тага етказилди. Бу ҳақда Ҳукумат йиғилишида ҚР Соғлиқни сақлаш вазирлиги Алексей Цой маълум қилди.

– Энг кўп йўловчи Нур-Султан ва Алмати шаҳарларига келади, 6 октябрдан буён 1 миллиондан зиёд одам давлат чегарасини кесиб ўтган. 203 минг киши ПЗР тест текширивидан ўтказилди ва 1042 бемор аниқланди, – деди Алексей Цой.

Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси авиация маъмуриятларининг келишувига асосан жорий йилнинг 15 февралидан бошлаб, Тошкент – Нур-Султан – Тошкент йўналишида мунтазам авиақатновлар сони икки давлатдаги эпидемиологик вазиятни ҳисобга олган ҳолда ҳар бир томондан ҳафтасига 1тадан 2тагача кўпайтирилади.

Шунингдек, мазкур йўналишларда Қозоғистоннинг "Air Astana" авиакомпанияси томонидан ҳам парвозлар амалга оширилиши кутилмоқда.



САВРОНЛИКЛАР ЭЛБОШИДАН МИННАТДОР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ушбу кунни орзиқиб кутган аҳолини қувонтирган тарихий қарор учун халқимиз шодумон. Ўрта асрлар шаҳри Саврон номининг тикланиши барчамизга муборак бўлсин, – деди меҳнат фахрийси Салибек Алжанов.

2018 йил 19 июнда Қозоғистон Тўнғич Президенти, Элбоши Н. Назарбаев Туркистон вилоятини ташкил этиш тўғрисидаги Фармонни имзолади. Ўз вақтида Ақўрданинг пойтахти бўлган Саврон ҳам ўз тарихий номини

қайта тиклади. Амалдаги қонунчилик кўра туманнинг маъмурий тузилмасини ташкил этиш учун давлат ташкил маслаҳати ташкил этилади. Маслаҳат розилиги билан туман ҳокими тайинланади, туманни бошқариш тизими ва бюджети тасдиқланади. Ҳуқуқни муҳофазалаш органи ва вазирликларнинг туман бўлимлари ўз фаолиятини бошлайди.

**Вилоят ҳокимининг
матбуот хизмати.**

ЯЙЛОВ КУНИ НИШОНЛАНДИ

Президент Қасим-Жўмарт Тўқаевнинг «Мустақиллик – бебаҳо неъмат» мақоласида Наврўз байрамини нишонлаш дастурини ишлаб чиқиш ва баҳор байрамининг мазмунини бойитиш зарурлиги таъкидланган эди.

«Бутун жамиятни бирлаштирадиган қадриятлар қанча кўп бўлса, бизнинг бирлигимиз шунчалик мустаҳкам бўлади», деган эди Давлат раҳбари. Шу муносабат билан 15 март куни юртимизда Яйлов кунини нишонланди.

Элимиздаги қишлоқ хўжалиги мақсадидаги ер майдони 220 млн. гектар бўлса,

унинг 187 млн. гектари – чорва моллари учун яйлов. Бу майдонда бугунги кунда 30 млн. мол боқиш мумкин.

«Яйловлар тўғрисида» қонун амалда жорий этилганига икки йилдан ошди. Унда миллий бойлигимиз – яйловларга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш баробарида қишлоқ ҳаёти барқарорлигини таъминлаш, улардан оқилона ва самарали фойдаланиш билан боғлиқ тадбирларни мажмуавий тарзда ташкил этиш масалалари ўз ечимини топган.

«Жанубий Қозоғистон» мухбири.



100 ОИЛАГА ЭҲСОН ҚИЛДИ



Туркистон вилоятида хайрия тадбири ўтиб, унда Nur Otan партияси Сайрам туман филиали «Қайнарбулақ» бошланғич партия ташкилотининг раиси Сихимбай Уалиханули ҳам қатнашди.



У «Бахтли оила» лойиҳаси, «Гамхўрлик» дастури доирасида Қайнарбулақ қишлоқ округига қарашли аҳоли манзилларида истиқомат қилаётган муҳтож 100 оилани озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлади.

Умуман, туман партия сиёсий кенгаши аъзоси бўлган ушбу саховатпеша инсон савоб ишларни ҳаёт тарзига айлантириб, доим эл-юрт корига камарбаста. Айниқса, халқни қийин аҳволга солиб қўйган фав-

қулдда вазиятлар пайтида ишсиз қолган, турмуши ночор оилаларга ижтимоий ёрдам тариқасида доридармон тарқатди.

100та хонадонга 3 млн. тенгега яқин маблағ ажратиб, хайрия тадбирида пешқадам бўлган Сихимбай Уалиханули келажакда ҳам хайрия тадбирларини давом эттиришини маълум қилди.

Nur Otan партияси вилоят филиалининг матбуот хизмати.

• Элни севсанг – эл суяр

БОЛАЛАРГА БОЗОРЛИК

Туркистон шаҳрида хосиятли шаъбон ойида «Гўдакларга совға улаш» акцияси доирасида туркистонлик 105 болага совғалар тақдим этилди.

Ярим етим оиланинг болаларига бағишланган тадбир шаҳар масжиди ташаббуси билан закот жамғармаси орқали амалга оширилди. Чунончи, 50 нафар ўсмирга велосипед, 30 қизалоққа тилла зирак, 25 нафар болаларга аравачалар улашилди. Шунингдек, болаларга байрам дастурхони ёзилди. Хайрия тадбирига 4 млн. 200 минг тенге сарфланди.

Шаҳар закот ва хайрия бўлими раҳбари Жаҳонгир Абдуалиев болаларга шаҳар имоми Улуғбек Алиакбарулининг саломини етказиб, ҳомийларга миннатдорчилик билдирди.

Вилоят минтақавий коммуникациялар хизмати.



САВРОН ОБОД ҚАЛЪАГА АЙЛАНДИ

ҚР Маданият ва спорт вазирлигининг Маданият ва санъат ишлари департаменти директори Кумис Сейитова раислигида илмий-услубий кенгаш мажлиси ўтди.

Унда «Ҳазрат Султон» давлат тарихий-маданий қўриқхона музейи директори Н. Ахметжанов, Ўтрор давлат археология-қўриқхона музейи директори Ж. Мақашев, Туркистон шаҳри ҳокимининг ўринбосари Ж. Тасов, тарихчилар, олимлар ва бошқалар қиштирок этишди.

Илмий мажлисда Хожа Аҳмад Яссавий мақбараси ҳудудидаги тарихий қадамжоларни қайта тиклаш, янгилаш борасидаги лойиҳаларни мувофиқлаштириш, ўрта асрлардаги Саврон қалъасини ободонлаштириш ва сайёҳлик салоҳиятини ошириш, Култпедадаги қўрғон қолдиқларини тартибга келтириш, Ўтрор қалъасини янгилаш каби муҳим масалалар муҳокама қилинди.

«Ҳазрат Султон» давлат тарихий-маданий қўриқхона музейи матбуот хизмати.

• Брифинг

ТИББИЙ СУҒУРТА – СОҒЛИК КАФОЛАТИ

Жорий йил Туркистон вилоятининг фуқароларига тиббий ёрдам кўрсатишга 127,3 млрд. тенге ажратилди. Шу жумладан, бепул тиббий хизматга – 74,9 млрд. тенге, тиббий суғуртага – 52,4 млрд. тенге. Буни «Ижтимоий тиббий суғурта жамғармаси» КЕАҚ Туркистон вилояти филиали директори ўринбосари Нуршат Айтимбетова маълум қилди.

– Эпидемиологик аҳволни барқарорлаштиришни эътиборга олиб, Жамғарма жорий йилда белгиланган режалар ва янги ташаббусларни амалга оширишга киришади. Яъни, неонаталь скрининглар юритишга, гўдакларнинг руҳий-жисмоний ривожланишини баҳолаш, таълим соҳасидаги болалар саломатлигини мустаҳкамлашга

қўшимча маблағ ажратилди. Шунингдек, қишлоқларда тиббий хизматлардан фойдаланишга оид имтиёزلарни оширишга доир молиялаштириш ҳажми 20 фоизга кўпаяди, – деди Н. Айтимбетова.

Ўтган йили МИТС пакети доирасида Туркистон вилояти бўйича тиббий ёрдамга 36,3 млрд. тенге сарфланган эди. Шу даврда Жамғарма

активи ҳисобидан вилоят стационарларида режали турда 200 мингдан зиёд бемор даволаниб, 21,5 млрд. тенге тўланди. Шунингдек, ўтган йили юқори технологияли тиббий хизмат ёрдамида 62та жарроҳи қилиниб, унга 121 млн. 896 тенге йўналтирилган.

Вилоят минтақавий коммуникациялар хизмати.



ОЗИҚ-ОВҚАТ МУАММОСИ ЖАҲОН НИГОҲИДА

Марказий Осиё мамлакатлари Қишлоқ хўжалиги вазирларининг III йиғилиши ўтди.

БМТнинг озиқ-овқат саммитига тайёргарлиги доирасида Қозғоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги вазирликлари раҳбарларининг видеоанжумани ўтди. Учрашув аграр соҳага инновацияларни жорий этишга бағишланди.

Онлайн учрашув Қирғизистон Республикасининг Қишлоқ хўжалиги, Сув хўжалиги ва Минтақавий тараққиёт вазирликлари томонидан ташкил этилди.

Тадбирда вазирлардан ташқари, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (FAO) Бош директори Дунъюй Цюй ва унинг ўринбосари Владимир Рахманин ҳамда Қозғоғистон Қишлоқ хўжалиги вазири вазифасини бажарувчи Айдарбек Сапаров иштирок этишди.

Учрашувнинг мақсади – жо-



рий йилнинг сентябрь ойда режалаштирилган саммит арасида FAOга аъзо давлатлар ўртасида мулоқот ўтказиш.

БМТнинг маълумотларига кўра, сўнгги 50 йил ичида агросаноат мажмуасининг инсон манфаатларига зарарли таъси-

ри кучайган. FAO Бош директори ўз маърузасида озиқ-овқат маҳсулотларига талаб доимий равишда ошиб бориши билан

озиқ-овқат маҳсулотларини sanoat ишлаб чиқариши агрокимё, нефт-кимё ва электр энергиясидан фойдаланиш ҳисобига кенгайтирилишини таъкидлади. Шу сабабли атмосферага чиқарилган барча иссиқхона газларининг чорак қисми агробизнесга тегишли. Тупроқ эрозияси ва шўрланиши, биологик хилма-хилликни йўқотиш ва атроф-муҳит ифлосланиши, айниқса, Марказий Осиёда озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг ўсиши туфайли.

– Шу муносабат билан БМТ Бош котиби FAOга аъзо давлатларни озиқ-овқат тизимларини экологик, ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан барқарорлаштиришнинг самарали усули сифатида инновацияларни жорий этишга даъват этади. Шунинг учун сентябрь ойда озиқ-овқат тизимлари бўйича саммит ўтказишга қарор қилинди, – деди Дунъюй Цюй.

Хабар 24.

ХАЛҚАРО ТУРНИР БОШЛАНДИ

Туркистон шаҳрида боксдан олимпиада чемпиони Бекзат Саттарханов хотирасига бағишланган анъанавий XIX халқаро турнир бошланди. Беллашувнинг очилиш маросимида Туркистон вилоятининг ҳокими Ўмирзақ Шўкеев сўзга чиқиб, иштирокчиларни табрикларди.

– Бокс спорти рақибини ҳурмат қилишга, дўстона муносабатларни шакллантиришга ижобий таъсир этади. Юртимиз Мустақиллик олганидан буён элимизда спортнинг бокс тури жадал ривожланмоқда. Спортчиларимиз халқаро майдонларда мовий байроғимизни ҳилпиратиб, Олимпиада ўйинлари, Жаҳон ва Осиё чемпионатларининг ғолиблари ва совриндорлари бўлишди. Беллашув иштирокчиларига муваффақият тилаб, майдонда фақат кучлиларнинг ғолиб бўлишига тилакдошман, – деди Ўмирзақ Естайули.

Туркистондаги мусобақаларда Хитой ва Ўзбекистондан ҳамда юртимизнинг турли минтақаларидан 130га яқин спортчи иштирок этди. Уларга 11 вазн тоифасида совринлар топширилди. Беллашув чоғида барча карантин чораларига риоя қилинди.

Халқаро турнир 20 мартга давом этади.

Вилоят ҳокимининг
матбуот хизмати.

“Қарвонсарой” – гази кенгаш

Мустақиллигимизга 30 йил тўлмоқда. Шу даврда Туркистондаги Б. Ирисметов барпо этган “Қарвонсарой” ошхона-чайхонасига Элбоши, Тўнғич Президентимиз Н. Назарбаев расмий ташрифи чоғида тушликка келиб тамадди қилади. Бу ҳам шонли тарих.

Айнан шу даргоҳда Туркистон шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмасининг кенгайтирилган мажлиси ўтди. Б. Ирисметовнинг раис сифатида бир йил давомда бажарган ишлари ҳақида ҳисоботи тингланди.

Фахрий оқсоқоллар Т. Саидмуродов, Д. Маннотов, Ж. Абе-нов, М. Адҳамов, Қ. Аҳмедов, Т. Абдувалиев, Қ. Ирисбеков, хо-

тин-қизлар кенгаши раисаси М. Иброҳимова, тадбиркорлардан И. Абишев, М. Дўсонов, нафақадаги зиёлилар Д. Жалилов, З. Муҳаммаджонов ва бошқалар А. Навоийнинг 580 йиллигига бағишлаб ўтказилган вилоят миқёсидаги тадбирда давлатимиз сиёсатини ўзбек тилида тарғиб қилаётган “Жанубий Қозғоғистон” вилоят, “Туркистон” шаҳар газеталарига обунани уюшқоқли ташкил этиш юзасидан қабул қилинган Мурожаатномани қизгин қўллаб, жойларда тарғибот ишларини олиб боришни режалашдилар.

Шартнома асосида олти ойлик обуна нархи унча қиммат ҳам турмайдиган газеталарга



обуна бўлиш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиз. Давлатимиз ушбу нашрларни биз учун чоп этмоқда. Она тилимиз, қадрдон давлатимиз, келажакимиз ҳурмати ушбу нашрларга обунани уюшқоқли ўтказиш борасида барча кенгаш иштирокчилари яқдил эканликларини билдирдилар.

Ш. МАДАЛИЕВ.

УЙИ БОРНИНГ – БАХТИ БУТУН

Туркистон шаҳридаги “Қуаныш” бозорида “Оилавий банк” ХЖ Туркистон вилоят филиали ходимлари ва Jas Otan ёшлар қаноти вилоят филиали қошидаги “Маслаҳат маркази” вакиллари фуқароларга қандай қилиб бошпанали бўлиш ҳақида маслаҳат берди.

Учрашувда банк маслаҳатчиси У. Бердашева ва бошқа ходимлари депозит очиб тартиби, бошпанали бўлиш шартларини тушунтиришди. Бозорда ишлайдиган тадбиркорлар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олишди. Шу кун 50дан зиёд фуқарога маслаҳат берилди, 10 одам банкда ўз ҳисоб рақамини очди. Энди улар ўз бошпанаси учун маблағ йиға бошлайди.

Учрашув ташкилотчиларидан бири, Jas Otan ёшлар қаноти вилоят филиали раиси, шаҳар маслаҳати депутати Жансерик Жуманнинг таъкидлашича, молиявий саводхонликни ошириб, бошпанали бўлиш

бугунги куннинг муҳим вазифаси.

– Ҳозир жамиятимиздаги энг долзарб масалалардан бири – уй-жой. Ишончли манбалардан олинган ахборотга кўра, мамлакатимиздаги ишга лаёқатли фуқароларнинг 25 фоизигина ўз маблағига уй харид қилиш имконига эга. Демак, аҳолининг қолган қисми “Оилавий банк”нинг самарали дастурларидан фойдаланишлари зарур. Шу боис, банк вакиллари билан ҳамкорликда аҳоли орасида тушунтириш ишлари юритишни лозим топдик, – дейди у.

Nur Otan партиясининг “Ўзгаришлар йўли: ҳар фуқарога муносиб ҳаёт!” сайловолди дастурида фуқароларни уй-жой билан таъминлаш масаласига устуворлик берилган. Келажакда уй-жой сиёсатидаги давлат дастурларини тушунтириш тадбирлари давом этади.

Nur Otan партияси вилоят филиали матбуот хизмати.

• Нур таралар шафақлардан

30 ЙИЛ МУҚАДДАМ ТИКЛАНГАН БАЙРАМ

1991 йил март ойда Қозғоғистон Республикасининг Тўнғич Президентини – Элбоши Нурсултан Назарбаев томонидан имзоланган “Миллий баҳор байрами – Наврўз айёми тўғрисида”ги фармон бундан 30 йил муқаддам қадимий халқ анъаналарини расман янгиллаб, деярли 70 йилдан сўнг халқнинг энг сеvimли байрамига айланди.

Ушбу тарихий ҳужжат Қозғоғистон Республикаси Президенти архивида сақланади. Мутахассислар 1926 йилда “ўтмиш қолдиқлари”га қарши кураш пайтида Наврўз байрамини нишонлаш тақиқланганини ёдга солдилар. Аслида, байрам

диний мазмунга эга бўлма-са-да, унинг тақиқланиши кучли атеистик ташвиқот ва дин вакилларининг қатағони билан бирга олиб борилди.

1929 йилда бекор қилинган 31 декабрь – Янги йил байрами собиқ СССРда 1935 йилда қайта тикланган бўлса, қадимий Наврўз бир неча ўн йиллар давомида унутилди.

Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаев “Мамлакатни ривожлантиришнинг 10та устувор вазифалари”да Қозғоғистон Республикасининг Тўнғич Президентини – Элбоши Нурсултан Назарбаевнинг “Маданий мерос”, “Маънавий янгиланиш” дастурларида белгиланган қадриятлар маънавий кўр-

сатмаларимиз бўлиб қолавереди, деди.

2010 йилнинг 10 майидан бошлаб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясининг 64-қарорига кўра, 21 март – “Халқаро Наврўз кунини” деб номланди.

Шундай қилиб, март куёши сўнгги қорларни эритиб юборди. Ва бу шуни англатадики, баҳорги тенгқунлик яқинлашмоқда. Шарқ тақвимида кўра, Янги йил бошланади. Наврўз – бу тўй ва у ҳар қандай улкан шодиёна каби, шоду хуррамлик билан кутиб олинади.

Наврўз барча миллатлар байрами бўлгани боис, унинг тарихий аҳамияти ҳам терандир.

М. УСМОҲОВА.

Тўлебий туман «Ёшлар имконият маркази» «Шижоатли ёшлар – келажак пойдевори» мавзуида маданий-маърифий тадбир уюштиришди. Унда Тўлебий туман ҳокими ўринбосари С. Дуйсебаев иштирок этди. У мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсати изчил амалга оширилиб, ёшлар тақдири ва келажак доимий эътиборда бўлиб келаётганини таъкидлади.

– Юртимиз истиқболи ва равнақи учун масъулиятни зиммасига олишга қодир, ташаббускор, шижоатли ёшларни тарбиялаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳаётимизда муҳим аҳамият касб этмоқда, – деди у. – Бугун ёшларимиз буюк яратувчи кучга айланган. Биринчи навбатда улар маънавиятининг шаклланишига катта эътибор қаратилмоқда. Зеро, сир эмаски, маънавиятли ва маърифатли одамгина умуминсоний қадриятлар моҳиятини англаб етиши, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллаши йўлида



фидойилик билан кураша олиши мумкин.

Туман «Ёшлар имконият маркази»нинг ўтган йили амалга оширган ишлари ҳақида ташкилот раҳбари ўринбосари П. Ескуловнинг ҳисоботи тингланиб, «Маънавий янгиланиш» дастури доирасида фаол иш олиб бораётган «Ёркен» Ёшлар маркази фаолиятига тўхталди.

– «Ёркен» лойиҳаси доирасида ёшлар

нистонда жанг қилган ҳамюртларимиз билан учрашувлар ташкил этилди. «Ғарыш» кинотеатрида эса «Билейік жастар!» рақс танлови, таниқли спорт арбоби Зиябек Жеткерев соврини учун спорт мусобақалари, хайрия тадбирлари уюштирилди.

Ёшлар имконият маркази томонидан ўқувчиларга диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик каби ёшларимиз онги ва шуурига салбий таъсир қилувчи зарарли иллатлар ҳақида тушунчалар бериш мақсадида учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилмоқда. Ушбу маънавий-маърифий тадбирлар доирасида ўқувчилар диний экстремизм, кўпурвчилик каби бузғунчи ғояларнинг зарарли оқибатлари ҳақида маълумотларга эга бўлдилар. Тадбирларда санитария талабларига риоя қилинган ҳолда мактабларнинг 1000дан зиёд ўқувчилари фаол иштирок этишди.



орасида ҳуқуқбўзарликларнинг олдини олиш, уларнинг бўш вақтини сермазмун ўтказиш, турли маданий-маърифий тадбирлар уюштириш кўзланган. Ўтказилган тадбирлар натижасида туманда юзлаб иқтидорли ёшлар аниқланиб, улар республика миқёсида ўтаётган тадбирларга йўлланма олишди. «Ватанпарварлар» лойиҳаси бўйича ҳам ўнлаб чора-тадбир ўтказилиб, Иккинчи жаҳон уруши ва афго-

Нотиқ қишлоқларда «Қиз ўсса – элнинг кўрки» тарбиявий аҳамиятга молик учрашувлар ўтказилгани, уларда 1000дан зиёд қизлар иштирок этганини таъкидлади.

«Жас Отан» ёшлар қаноти раиси Д. Сундетбаев Элбоши ўзининг «Келажакка йўлланма: маънавий янгиланиш» дастурий мақоласида қозоғистонликларни прагматик бўлишга чорлаганини таъ-



қидлаб, қуйидаги иқтибосни келтирди: «Қонимизга сингиб кетган кўплаб одатлар ва сийқаси чиққан қатъий қоидаларни ўзгартирмагунимизча тўлақонли янгиланишимиз мумкин эмас. Асл тарихимизга, аждодларимизнинг турмуш тарзига разм солсак, чинакам прагматизмнинг талай ёрқин намуналарини топишимиз мумкин. Халқимиз асрлар бўйи туғилган замини табиатини кўз қорачигидай асраб, унинг бойлигини тежамли ҳамда ўринли ишлатадиган тенги йўқ экологик турмуш тарзи-

тўхталди.

– Рақобатбардош бўлиш учун миллий алифбомизни лотин ёзувига ўтказиш режаланмоқда. Янги алифбо ёшларимизда компьютер саводхонлигини ошириши аниқ, чет тилларни тез ўрганиш имкониятини беради. Яъни, у «Рақамли Қозоғистон», «Уч тилли таълим», «Маданий ва конфессиялараро тотувлик» сингари дастурларни ўзлаштиришга ёрдам беради ва барча қозоғистонликларни XXI аср талабларига тайёрлайди.

Т. Абуовнинг «Ижтимоий тармоқлар ва



га амал қилиб келди. Аниқ мақсадга етиш, соғлом турмуш тарзига амал қилиш, касбий жиҳатдан такомиллашувга устунлик берган ҳолда, ана шу йўлда ҳар бир нарсдан самарали фойдаланиш – феъл-атвор прагматизми дегани шу».

– Миллий урф-одатларимиз, тилимиз ва мусиқамиз, адабиётимиз, удумларимиз, бир сўз билан айтганда, миллий руҳимиз жисмимизда мангу қолиши керак, – деди у.

«Жас Отан» ёшлар қаноти вакили К. Жўлдасов лотин ёзуви масалаларига

ёшлар» мунозараси ҳам қизгин баҳс шаклида ўтиб, иштирокчиларда ёрқин таассурот қолдирди. Чунки, унда жамиятимиздаги маънавий янгиланишда ёшларнинг ўрни ва аҳамияти ҳақида сўз юритилди.

Тадбирда туман ички ишлар бўлимининг хотин-қизларлар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш нозирлиги, туман соғлом турмуш тарзи маркази вакиллари ва шифокорлар сўзга чиқиб, иштирокчиларнинг саволларига жавоб беришди.

Б. РЎЗИМАНОВА.

● Буюк Ғалабага – 76 йил

ЖАСУР ЖАНГЧИ, ФИДОЙИ ИНСОН ЭДИ

– «Хеч ким ва ҳеч нарса унутилмайди». Бу сўзларни эшитганимизда кўз олдимишга Улуғ Ватан уруши, унинг даҳшатли воқеалари, она Ватан, муқаддас замин, элу юрт тинчлиги учун жон олиб, жон берган ота-боболаримизни келтирамиз, – дейди Тўлебий туманидаги «Хонариқ» ўрта мактаби ўқитувчиси Жавлонбек Тўйчибоев. – Кечагина мактаб ўқувчилари эдик. Улуғ Ватан уруши қатнашчилари билан учрашувлар ўтказиб, уларнинг мароқли, айна чоғда тарбиявий аҳамиятга эга бўлган суҳбатларидан баҳра олардик. Бугун эса қишлоғимизда уруш қатнашчиларининг бирортаси қолмаганлигини ўйлаб, вақтининг қудратига яна бир бора амин бўласан, киши.



Уруш кўрган одамлар... Бу инсонлар ҳар биримизнинг қалбимизда, юрагимизда, хотирамизда мангу муҳрланади. Уруш бошлангач, у офат олиб келмаган оила қишлоғимизда камдан-кам эди. Кимларгадир почтачи қоракхат олиб келса, кимларнингдир отаси, фарзанди оёқ ё кўлидан айрилиб, ярим жон бўлиб уйига қайтарди.

Яраланмай, соғ-саломат урушдан қайтган одам камдан-кам топиларди. Раҳматли бобом Тўйчибой 1922 йилнинг 12 апрелида Хонариқ қишлоғидаги нуфузли хонадонларнинг бири – Шоазим

он командири Синициннинг буйруғи билан ўз пулемётини кўлига олади.

«Ўша куни жуда қаттиқ жанг бўлди, мен ёнимдаги бир татар ва украин йигит билан пистирмада туриб пулемёт билан 15 фашистни отиб йиқитдик, юзлаб одамлар, улар орасида дўстларим ҳам ҳалок бўлди», дея бобом кўз ёш билан уруш хотираларини гапириб берарди.

Суронли жанглар давомида Польша, Руминия, Венгрия ерларини фашист босқинчиларидан озод қилишда иштирок этди. 1944 йилнинг декабрь ойида душманинг навбатдаги кучли ҳужумини қайтариш учун бўлган жангда чап елкасидан қаттиқ яраланади ва Украинанинг Харьков шаҳридаги госпиталга етказилади. Ғалаба кунини ҳам шу госпиталда кутиб олади. Она қишлоғига келганида кўксига «Жасорати учун» медали ярақлаб турарди.

Бувимиз Ашуржон ая билан турмуш қуради. Уч ўғил ва тўрт қизни вояга етказиб, яхши тарбия беради. Уларнинг ҳаммасини ўқитиб, олий маълумотли, уйли-жойли, оилали қилишди.

Тўйчибой бобомиз урушдан кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги соҳасида, туман почтасида меҳнат қилиб, халқ хўжалигини тиклашда фаол иштирок этди, ҳамқишлоқлари ҳурматида сазовор бўлди.

Жавлонбек ҳикоя қилиб бер-

ган собиқ жангчи каби барча ҳамюртларимиз урушдан кейин мардонавор меҳнати билан халқ хўжалигини тиклашга катта ҳисса қўшишган.

80-90 йилларда Тўйчибой отанинг мўъжазгина хонадонидан маҳалладошларининг қадами узилмасди. Фарзанду неварачеваралар эса нафақат байрамларда, балки дам олиш кунлари қадрдон гўшада тўпланишиб, мўътабар отахоннинг ҳолидан хабар олиш, ҳаёт сабоқлари ҳақидаги хотираю-суҳбатларидан баҳраманд бўлишга одатланиб қолишган эди.

Хонадонга ташриф буюрганлар ака-ука, келину овсинларнинг бир-бирларига, энг муҳими, падари бузрукворларига самимий муносабатлари, ғамхўрликлари, ҳурмат-эътиборини кўриб, дили яйраган, илиқ туйғуларга ошно бўлган.

– Уйимиз тўрида осиглик турадиган камзулига қадалган «Жасорати учун» медали, Буюк Ғалабанинг 20, 30, 40, 50 йиллигига берилган медаллари, «Совет Иттифоқи Маршали Г. К. Жуков медали», СССР Қуролли кучларининг 60 ва 70- йилликлари медаллари, Улуғ Ватан урушида қатнашгани учун II- даражали ордени ҳамда «Меҳнат фахрийси» медалларини бирма-бир кўздан кечирар эканман, қалбим чексиз гурур ва фаҳрга тўлади, – дейди Жавлонбек.

Дарҳақиқат, Ватан ҳимояси учун ўз жонини ҳеч иккиланмай қурбон қилишга тайёр бундай инсонларни нафақат қавму-қариндошлари, жигаргўшалари, балки бутун эл эъозлайди, улар билан фахрланади, ёрқин хотираларини қалбларида узоқ сақлайди.

Шимкент шаҳридаги «Данқ» мемориал ёдгорлигида минглаб Улуғ Ватан уруши қатнашчилари



қаторида Тўйчибой ота Шоазимовнинг ҳам исми мармар тошга ўйиб ёзилгани юртимизда Улуғ Ватан уруши қатнашчиларига эҳтиром рамзидир. Бахтли хонадон соҳиби, жасур жангчи, меҳнатсевар ва фидойи бу инсоннинг ҳаёт йўли кўпчиликка ибрат бўлишга арзигуликдир.

Б. РЎЗИМАТОВА.

ДЕНСАУЛЫҚТЫҢ АЛТЫН ЕРЕЖЕЛЕРІ

Денсаулық – адам өміріндегі ең үлкен байлық. Республикамызда «Денсаулықтың алтын ережелері» Ұлттық бағдарламасы қабылданған. Оның негізгі мақсаты – азық-түлік қауіпсіздігінің тиімді жүйесін қамтамасыз ету мәселелеріне бүкіл қоғамның назарын аудару, сонымен қатар жеке гигиенаны және денсаулықты нығайту үшін қауіпсіз тамақтанудың басты қағидаларын сақтауға жеке адамның назарын аудару болып табылады.



Денсаулықты қорғау және нығайтудың негізі – гигиена. Аурудың алдын алуға бағытталған және денсаулық сақтау үшін жағдайлар жасауға арналған іс-шаралар гигиенаның түрлері болып есептеледі. Сонымен қатар, тазалықты сақтау, ішек инфекциясының алдын алу, дұрыс тамақтану, салауатты өмір салтын ұстану, дұрыс таңдау жасау, зиянды әдеттерден аулақ болу қажет.

Тазалықты сақтау – әрбір азаматтың денсаулығын нығайтуға ғана емес, сонымен бірге оны әдептілікке, ұқыптылыққа саналылыққа баулиды.

«Денсаулықтың алтын ережелері» Ұлттық бағдарламаны орындау мақсатында № 12 емхана қызметкерлері тарапынан ауқымды жұмыстар атқарылуда.

Лобар АЗИМБАЕВА,
№ 12 ШҚЕНЫҢ жалпы тәжірибелі дәрігері.



Бағдарламаның негізгі ұстанымдері:

- тамақтану қауіпсіздігін қамтамасыз ету арқылы халықтың денсаулығын сақтау және нығайту;

- тамақтану қауіпсіздігін, сапасын және қолжетімділігін қамтамасыз ету;


- жеке гигиенаның негізгі ережелерін сақтау дағдыларын дамыту.

КОМПЬЮТЕР КАТАРАКТА, ДИСК ЧУРРАСИ, БАВОСИЛ... САБАБЧИСИМИ?

Замон шиддат билан ұзғариб бораётган айна даврда компьютер техникаси ҳаётимизнинг бир бўлагига айланиб улгурди. Бугунги кунда компьютер кириб бормаган корхона ёки хонадонни учратиш мушкул. Демакки, одамларнинг компьютер саводхонлиги ҳам шунга яраша.

ган монитор ойнасидаги шуълар ва тасвирнинг ўчиб-ёниши кўзнинг ҳаддан зиёд таранглашувига олиб келади. Натижада кўз гавҳарининг мушаклари зўриқиб, кўриш қобилияти сусая бошлайди. Оқибатда катаракта каби хафвли касаллик юзага келаркан.

2. Тез-тез толиқадиган, боши



Тўғри, ахборот технологияларидан бохабар раҳбар ёхуд ходимнинг иш унмдорлиги юқори даражада. Собиқ иттифоқ давридаги каби ҳар бир ташкилотда бир машинистканинг зиммасида раҳбарнинг буйруқларини қозғозга теришдан ташқари, бутун бир жамоанинг иш қоғозларини тайёрлаш каби тоғдек топшириқ турарди. Эндиликда ҳар бир ходимга компьютер бириктирилган, ҳар ким ўз ишини тезкорлик билан амалга оширади.

Ташкилотларда кун бўйи компьютерга қадалиб ўтириш одатий ҳолга айланди. Мушкулмизни осонлаштираётган ушбу матоҳнинг зарарлари ҳақида биласизми?

Келинг, сизни компьютернинг зарарлари ҳақида огоҳ этсам...

1. Биз эътибор беравермайди-

оғрийдиган ва уйқусизликдан азият чекадиганлар бу дардга компьютерда ишлашда кўз мушакларининг узоқ вақт давомида таранглашиб туриши, ҳамда тасвирларнинг тез-тез алмашишуви натижасида йўлиқар эканлар.

3. Компьютер олдида узоқ муддат қадалиб ўтириш гиподинамия, паришонхотирлик ва иммунитетнинг пасайиб кетишига олиб келади.

4. Бугунги кунда оммалашган хасталиклардан бири (грижа) – диск чуррасининг келиб чиқиш сабабларидан бири компьютер қаршида қадалиб ўтириш оқибатидир.

5. Бармоқ ва қўл панжаларининг клавиатурада ишлаш давомидаги бир маромдаги ҳаракатидан билакнинг тоннел синдроми – кучли оғриқлар, қўл панжалари ва

бармоқларнинг увушиб қолиши, санчиб оғриши, ҳаракатнинг оғирлашув ҳолатлари келиб чиқади.

6. Бавосил – тос суяги атрофида қоннинг айланмай қолиши ва қон томирларининг ҳаддан зиёд зўриқишидан пайдо бўладиган касаллик ҳам мунтазам компью-

терда ишлаб ўтирадиганларда кўпроқ учраш экан.

Хўш, юқоридаги каби салбий таъсирларнинг олдини олиш учун нима қилиш керак?

Унутманг, ҳар ишда меъёр керак, деганларидек, компьютерда ишловчилар ҳар ўн беш дақиқа орасида кўз мушаклари машқини бажаришлари шарт. Қолаверса, иш давомида ўрнидан туриб кўча айланиб келиши, қисқа муддат бошқа ишлар билан машғул бўлишлари оёқда қон айланиши баробарида умуртқаларга дам беради. Саломатлигимиз ўз қўлимизда. Компьютер техникасидан фойдаланиш қоидаларига бугунданоқ амал қилишни бошлайлик!

«Саломатлик энциклопедияси»дан.

ИШОНЧ СЎНМАСИН ҚАЛЪЛАРДА!

Ҳар бир инсон фитратида ўзига хос фазилатлари ҳамда нуқсонлари билан бу ёруғ оламга келади. Инсон ахлоқидидаги фазилатлар унинг маънавиятини янада юксалтиргани каби, нуқсонларининг кўпайиб бориши ҳам, афсуски, уни анча ортага судраши ҳам аниқ. Юксак поғоналарга эришишда инсонга қувват берадиган яна бир муҳим фазилат ҳамда хислат бор. Биласизми, у нима? Тўғри топдингиз. У – ишонч. Ўзига ишончи бор инсон йўлидаги барча тўсиқларни енгиб ўтишга қодир. Бироқ бу тўғри ҳамманинг фитратида ҳам бўлавермайди. Баъзиларида яширин тарзда, ички андиша, уят сингари фазилатлар ортида яшириниб, инсоннинг маънан ривожланишига бироз тўсиқлик қилади. Бироқ унга изланиш, тинимсиз ўз устида ишлаш эвазига эришиш мумкин. Ваҳоланки, ишончсиз олға қадам ташлолмайсиз, маънавий жиҳатдан юксала олмайсиз.

Инсонга ато этилган муҳим фазилатлардан бири – ўзига ишонч туйғуси. Мазкур фазилат инсон туғилганида юзага келади ва ташқи омилларга қараб, ривожланиб бораверади.

Инсон ҳаёти давомида кўп синовларга дуч келади. Ва шу синовлар уни ҳаёти давомида тоблаб бораверади. Унга маънавий қувват бағишлайди. Киши бир қийин вазиятга дучор бўлганда унинг аслида қандай инсон эканлиги ўзини намоён этади. Ишончсизлиги туйғуси фазилатларини намоён эта олмас ва бу одамлар билан муносабатда салбий жиҳатдан ўз аксини топади.



Энди, келинг, инсоннинг ўзига ишончсизлигига сабаб бўладиган муҳим омилларга алоҳида тўхталиб ўтсак. 1) Унинг қаттиқ танқид қилиниши. 2) Жамоатчилик асосида қутилмаганда саволга тугилиши. 3) Жиддий масалага дуч келганда довдираб қолиши. 4) Билмайдиган ҳодисалардан доимо ўзини четга олиши. 5) Бирон бир масалада аниқ ечим қабул қила олмаслиги. 6) Қарор қабул қилган тақдирда ҳам, доим мулоҳазаларида иккиланиши. 7) Хаёлига келган ғояларини доим ортага суриши. 8) Фикрини билдиришдан кўркиши. 9) Мактабда ўқиган пайтларида мудом ортки парталарда ўтириши. 10) Ўзига ишончсиз кишилар тез қизишиб кетишади. 11) Ялқов-

лик ва бошқа камчиликлар ҳам уларнинг феъл-атворларида акс этиши мумкин.

Ҳаётимни таълим соҳасига бағишлаганлигим боис ёшларимизда бундай ҳолатлар кўп учраб туришига ўзим гувоҳман. Бир неча йиллар мобайнида талаба ёшлар билан фаолият юритаётганим боис бола тарбиясида катта хатолик – уни доимо сен ҳали «кичкинасан», «сен индамай ўтир», «айтгани бажар» каби ибораларни кўп қўллашимиздир. Ўзингизни болангизга яқин олинг, у билан дўстдек муносабатда бўлинг. Бу ўз навбатида болангизнинг ўз фикрини аниқ ва равшан ифодалашига олиб келади. Кичкиналигидан ота-онаси ва яқинларига фикрини бемалол билдириб ўрган бола, ҳаётида бир қарорга келишда ҳам қийналмайди. Фитратидан ишонч балқиб турган инсон ҳал этилиши зарур масаланинг манбаини ҳис этган ҳолда ўз вақтида тўғри қарор қабул қила олади. Агар мабодо ўйлаганидек, бу ижобий натижа бермас, унга тажриба бўлганини ҳис этади.

Ўзига ишончи сусти киши, ўз фикрини изҳор этишдан ўзини тияди. Бироқ, билмаган нарсасини ҳам кўпчиликка аён этса, билмаган жиҳатларини ҳам ўзига бўйсундиришга, сўраб ўрганишга одатланиши керак. Шу ўринда ўзбек тилининг асосчиси, таваллудига 580 йил тўлган Алишер Навоий бобомизнинг мисралари ёдимга тушади.

Билмагани сўраб ўрганган олим,
Орланиб сўрамаган ўзига золим.

Оз-оздан ўрганиб доно бўлур,
Қатра-қатра йиғилиб, дарё бўлур.

Агар борди-ю, биз ўзимизда бу хис-

латни тарбияламасак, қандай ҳолга дуч келамиз? Инсон ўз камчиликларини яхши билади, бироқ уни тан олгиси келмайди ва бошқаларнинг билишини хоҳламайди. Натижада, у жамоат жойлари (масжид, ҳар хил йиғинлар)га бормайдиган бўлиб қолади, яъни камчиликлари атрофдагиларига кўриниб қолишини истамайди. Камчиликларини тузатишга ҳаракат қилмаган киши ишончсизлик қаърига йўл олади.

Ўзига ишончи юксак бўлишининг оқибатида бошқаларни ўз фикр доирасига торта билиш хусусиятига ҳам эга бўлади. Бу, айниқса, раҳбар лавозимдаги ва жамоасида тарғибот ишларини олиб борадиган кишиларга жуда ҳам зарур.

Ўзига ишончи бор одам бахтли умр сураётганини ҳис қилиб яшайди. У қаёққа борса ва ҳар қандай шароитда муваффақият ва ташвишлар унга пешвоз чиқади. Бундайлар тоғдан пахта тушаётган булоқ сувига айлангандай бўлади, тўхтаб қолган харсанг тошлардан ошиб ёки айланган оқиди ва ўз йўлида давом этади. Мақсади аниқ бўлган киши олдида чиққан муаммони ўз манфатига айлантириб ҳал қилади, тўхтаб қолишини ўйламай ундан чиқиш йўлини излаб натижасини аниқ кўра олади.

Мусулмон, аввало Аллоҳга ишонади. Ҳар қандай кишининг муваффақияти ва обрўси Аллоҳнинг ҳузурда. Инсон ўзидаги ишонч билан яхши амалларни бажариб, натижасини Аллоҳга топширади.

**Иброҳим ОТАЖОНОВ,
доцент, техника фанлари номзоди.**

● Хидоят сари

ҲАР БИР МУСУЛМОН – ЖИГАРИНГ...

Одамга энг зарур меҳрибонлик, муҳаббат, ўзаро ҳурмат, хушфезллик, бағрикенглик ва бошқа фазилатларнинг асоси – жигаргўшаллик. Бу фазилатнинг айнақса, динимизда ўрни бўлакча. Динимизда мусулмон мусулмоннинг жигари, унга ҳеч вақт тили, қўли билан ёмонлик қилмайди, калака қилмайди, молига, номусу виждонига хиёнат қилмайди. Бу илоҳий қоида. Ислондаги улуғ тушунчаларнинг бири.

Аллоҳ Таоло Қуръони каримда “Эй, инсонлар! Дарҳақиқат, Биз сизларни бир эркак (Одам) ва бир аёл (Ҳавво)дан яратдик ҳамда бир-бирларингиз билан танишингиз учун сизларни (турли-туман) халқлар ва қабилалар (элат)лар қилиб қўйдик. (Ҳужурот сураси, 13-оят). Ушбу раббоний чақириқ барча инсонларнинг асли бир эканлигига, шунинг учун бир-бирлари билан гўзал муомалада бўлиб, аҳил ҳаёт кечиришларига далолат қилади. Бошқа бир оятда мана бундай хитоб қилинади: «Албатта, мўминлар динда ўзаро биродардирлар. Бас, сизлар икки биродарингиз ўртасини тузатиб қўйингиз ва Аллоҳдан кўрқингиз, шояд, раҳм қилинсангиз.» (Ҳужурот сураси, 10-оят). Дарҳақиқат, бу биродарлик дин қардошлиги бўлиб, дунёдаги барча инсоний алоқалардан устун туради. Бу биродарлик Аллоҳ учун, дину - диёнат учун, Ислон - иймон учундир. У ўзаро муҳаббат, тинчлик-омонлик ва ҳамкорлик асосига қурилган бўлади. Бу биродарликча пугур этса зудлик билан ислон қилишга ўтмоқ керак. Чин мўмин бошқа бировга зарра миқдорда бўлса ҳам озор бермаслиги лозим.

Афсуски, бугун кўп мусулмонлар на бу ояти каримадан насиҳат оладилар ва на тарихий тажрибалардан сабоқ оладилар. Бирлашишлари учун минглаб сабаб, туртки ва омиллар бор, бирортасига қиё боқиб қўймайдилар. Балки тафриқа учун баҳона истаб тургандек, биргина сабаб топиб қолишса бас, ҳар ким ўзини тўғри деб, хидоятда санаб, бошқани гумроҳликда айблаб, тумтарақай

бўлиб кетаверишади.

Аллоҳ таолонинг қуйидаги ояти каримасини озгина тафсир қилиб тушунтироқчимиз: «Барчангиз Аллоҳнинг ипини маҳкам тутинг ва бўлиниб кетманг» (Оли Имрон, 103-оят). Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам: «Аллоҳнинг китоби – Аллоҳнинг осмондан ергача тортилган арқонидир», дедилар. Ояти каримадаги «Аллоҳнинг ипи» деган иборадан Қуръони Карим тушунилади. Жарга қулаш хавфидаги инсон ип-арқонни маҳкам ушласа, қутилиб қолганидек, дўзах тубига қуламаслигининг ҳам бирдан-бир чораси – Қуръони каримни маҳкам ушлашдир. Шундагина инсон нажот топади. Мусулмон уммати нажот топиши учун барча бир бўлиб Аллоҳнинг каломи Қуръони Каримни маҳкам тутишлари лозимдир.

Баъзи муфассирлар «Аллоҳнинг арқони» деганда Ислон дини назарда тутилган, дейдилар. Баъзилар эса уни Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам, деб тафсилот берганлар. Яъни, «Аллоҳнинг Расули суннатини маҳкам ушланг, унга амал қилинг, унинг атрофида жамланг, ундан узоқлашманг!»

Бўлиниб кетманг, акс ҳолда, Аллоҳнинг арқонини қўлдан бериб, ҳалокатга учрайсиз. Ушбу оятдан ўзаро ихтилофга тушиш – Аллоҳнинг арқонини қўйиб юбориш, унинг нажотидан узоқлашиш экан.

Ҳа, Қуръони карим Аллоҳ таолонинг инсониятни дунё қийинчиликларидан ва охират азобидан қутқариш учун туширган арқонидир. Қуръони карим ҳайвонийлик

чоҳидан малаклик чўққисига олиб чиқувчи нури арқондир. Қуръони карим гафлат ботқоқидан қутулиш учун ягона воситадир. Эҳтимол, бу мусулмонларнинг бўлинмайдиган бир уммат эканлигини билдирар.

Мусулмон-мусулмоннинг жигари. Ҳақиқий мусулмон жигарига ёмонлик қилмайди. Кимда-ким мусулмон жигарининг қайғусида бирга бўлса Аллоҳ Таоло ҳам уни қиёмат қайим қайғусидан қутқаради. Шунингдек, кимда-ким мусулмоннинг айбини яширса, Аллоҳ Таоло қиёмат кунини айбини яширади.

Шу вақтгача ҳам, кейин ҳам одамзод боласига жигаргўшалликнинг энг олий ибрат намунаси бўлиб қолаверади. Ота-боболаримиз бир-бирини қариндош билиб, яхшига ҳам, ёмонга ҳам ғамхўрлик кўрсатган. Фақир микинга, йўловчи мусофирга ёрдам қўлини чўзиб қийин ахволда қолган вақтларда ёрдам қилишни инсоннинг бурчи, савоби деб билган. Умуман мусулмон билан мусулмоннинг орасидаги тотувликни мустаҳкамлашга, турли дардлардан одам ўзини сақлашга ёрдам берадиган қуйидаги қоидаларга эътибор қилинг.

1. Жигарингни Аллоҳ учун яхши кўриш, яъни бошқа мақсадлар учун эмас Аллоҳ розилиги учун яхши кўриш керак. Агар бир мусулмонни яхши кўрганда Аллоҳ розилиги учун эмас одамнинг баланд мансаби, обрўси, бойлиги сабаб бўлса, у Аллоҳ хоҳлаган жигарчиликка оид эмас.

2. Жигарингни кўролмаслик. Ҳақиқатдан мусулмон одам уйқуга кетиш олдида “бошқаларга ёмонликни раво кўриш, ҳасадгўйлик каби ёмон иллатлардан покман. Аллоҳ гувоҳ”, деб айтиб ётиш яхши. Ҳақиқий ҳасадгўйлик инсон юрагидаги энг хавфли иллатлардан. Агар биз ўзимизга ҳамма нарсани инъом этадиган Аллоҳ

эзгуликнинг ҳаммасини берувчи Аллоҳ эканлигини онгимизга сингдирадиган бўлсак бу дарддан қутула оламиз. Бунинг учун имонимизни кучайтириб, илтимизни орттириш афзал. Ҳасадгўйликни йўқ қилиш мумкин. Ҳадисда: меҳрибонлик кучайса, ораларингизда ҳасадгўйлик йўқолади, дейилган.

3. Тилга эҳтиёт бўлиш. Ота-боболаримиз бошга бало тилдан, деб бекор айтмаган. Ҳақиқатдан биров оғзига ҳаром ош олмас ва, қўли билан ўғирлик қилиб, оёғи билан жиноятга бормаса ҳам тилидан чиққан бир оғиз ёмон сўз сабабли дўзахга тушиши мумкин.

4. Қурбинг етса, жигарларингизга дунёвий ишларни бажаришда ёрдам кўрсат. Абдулла Ибн Умардан (Р.А) етган ҳадисда: Пайғамбаримиз (С.А.В)га бир киши келиб: Аллоҳнинг элчиси. Аллоҳнинг олдидаги одамларнинг энг яхшиси ким. Одамларнинг энг яхшиси қандай, деб сўради. Пайғамбаримиз (С.А.В) одамларнинг энг яхшиси одамларга фойдаси кўп тегадигани. Амалларнинг Аллоҳга энг яхшироғи мусулмонни қувончга баҳраманд этгани, қайғуси бўлса баҳам кўргани, қарзи бўлса ундан халос қилиш, ёки оч бўлса қорнини тўйдириш. Мусулмон жигарининг бир ҳожатини чиқарса – масжидда бир ой тоат - ибодат қилиш савобидан афзал. Ким жаҳлини эгарлай олса – Аллоҳ унинг камчилигини маҳфират этади.

5. Жигарларингизга насиҳат айтиш. Ҳақиқатда мусулмон насиҳатчи бўлиб жигарларнинг камчиликларини тўлдириб, тузатишга ҳаракат қилиши керак. Лекин, ақл-кенгаш беришинг ҳам одоблари бор. Имом Шафий (Р.А) кимда-ким жигарларига бошқа одамлар олдида насиҳат айтса, уни ҳақоратлагани билан баробар. Кимда-ким ўз жигарига яқна насиҳат айтганидан бўлса, тўғри иш қилган бўлади, деган.

6. Ўзаро ёрдамлашиш. Ҳазрат Пайғамбар (С.А.В) бир саҳоба-сига жигаринг ёвуз бўлса ҳам, жабрловчи бўлса ҳам ёрдам бер, деди. Буни эшитган саҳоба ҳайрон бўлиб жабранувчига ёрдам берарман, ёвузга қандай ёрдам берарман, деб сўради. Пайғамбаримиз (С.А.В) унинг ёвузлик иш ҳаракатини тўхтатишга ёрдам беришинг унга қилган яхшилигинг, – деб жавоб берди.

7. Жигарингнинг айбларини яшириб, хатоликларини кечира билиш. Жигаринг гуноҳдан пок фаришта ҳам, пайғамбар ҳам эмас. Шунинг учун баъзи бир хатоликларга кечирим билан қараш керак.

Олимлар одамларни гуруҳларга ажратган.

1. Одамлар орасида яхши ишлар билан кўриниб, гуноҳдан фориғ бўлиши билан маълум бўлган кишилар. Бундай кишиларнинг камчиликларини кўрса ҳам, кўрмаган бўлиб кечирим билан қараш керак.

2. Гуноҳ ҳисобланган ишларни қилиш, яна ҳаммага ошқора ҳолда. Худодан ҳам бандадан ҳам уялмайдиган, қўрқмайдиган одамлар. Динимиз жигаргўшаллик, кенг феъллик, тинчлик-тотувлик, яхши муносабат, яхши хулқ, ўзаро ёрдамни қўллаб-қувватлайди. Динимиз одамларнинг бир-бири билан уч кундан зиёд аразлашишини таъқиқлайди. Аҳолининг диний саводхонлигини орттириб, аждодлардан келаётган асл динимизнинг таълим-тарбияси, қадриятларини онгимизга сингдириб, олдинга интилсак, ҳамюртларимизнинг бир-бирига жигаргўшаллиги, жигарбандлиги ортаверади.

Биродарлар, Аллоҳ Таоло хидоят йўлидан адаштирмасин. Тўғри йўлга бошласин.

**Жумадулла АБЕНОВ,
Туркистон вилоятининг
ибратли фуқароси.**



Гулзода Рашидова Кентов шаҳри, Қорачиқ қишлоғидаги Музаффар Умаров раҳбарлик қилаётган “Қорачиқ” ўрта мактабининг 11-синфида ўқийди. Отаси Ирискул, онаси Насиба фарзандининг ўқишига алоҳида эътибор қаратади.

БАЛЛИ, ГУЛЗОДА!



Бутун дунёга хавф солаётган юқумли касаллик туфайли мактабларда ўқув онлайн шаклда олиб борилаётганига қарийб бир йил бўлди. Бу даврда Гулзода кўпроқ мустақил тартибда билим олишни давом эттирди.

Компютер материалларидан унумли фойдаланди ҳамда “Элбоши медали” лойиҳасидаги ижтимоий тармоғидаги бешта йўналиш бўйича пухта тайёрланиб, бажарган ишлар бўйича ахборот бериб борди. Булар куйидаги йўналишлар:

1. Спорт. 2. Китоб ўқиш. 3. Ўз қобилиятини намоён этиш. 4. Миллий урф-одатлар. 5. Кўнгиллилар сафидаги фаолият.

Бунда кунига спорт билан шуғулланиб, оила аъзоларини ҳам жалб этди. Одатдагидан кўпроқ китоб ўқиди, қандолатчилик ва таом тайёрлаш маҳоратини намойиш этди, Б. Сўқлақбаевнинг “Ўлганлар қайтиб келмайди”, Ж. Аймаутовнинг “Қари хўжа”, шунингдек, М. Лермонтов поэзияси билан пухта танишиб, бугуннинг долзарб мавзуси бўлган П. Друирнинг “Ҳар кунги ёки 366 керакли маслаҳат мени кутмоқда” китобларини кунт билан ўқиб чиқди.

Ўқувчилар мактабга карантин туфайли келмаган уч ой давомида уч нафар мактаб остонасига энди қадам қўйган болаларга карантин чораларига амал қилган ҳолда онлайн маслаҳатлар ёрдамида ҳарф ўргатди. Ва бу ишларини видеотасвирга тушириб, керакли сайтга жўнатиб турди. “Элбоши медали” бўйича масъул комиссия ушбу материалларни кўриб чиқиб, Гулзода Рашидовани голиб деб топди, дипломлар ҳамда сертификатлар билан тақдирлади.

Бу танловда вилоятимиздан 538 нафар ўқувчи иштирок этиб, Кентов шаҳри ва қишлоқларидан 9 ўқувчи голиблар сафидан жой олди. Шулардан бири – Гулзода бронза “Элбоши медали” тури билан мукофотланди. Уни Кентов шаҳри ҳокими Даурен Мажажанов тантанали равишда тақдим этди (тасвирда). Баракалла, Гулзода!

Қодир АҲМЕДОВ,
Туркистон вилоятининг ибратли фуқароси.

АЗАЛДА ЛОЙИМИЗ ҚОРГАНДА ХУДО...

Агар одамлар келажиги ва ҳаёти ҳақида тафаккур қилганларида эди, ҳаммалари иймон келтиришган бўларди.

Агар дунёлари ва унинг фоний хурсандчиликлари, чекланган лаззатлари, ўлим, хасталиклар, ҳалокат ва оғриқларини ўйлаганларида эди, унга ғарқ бўлмасдилар, матоҳлари олдида таслим бўлмасдилар.

Лекин... бирор киши тўхтаб, булар ҳақида тафаккур қилмайди. Балки бирор нарсалик бўлиб қолиш учун, ҳаёт гилдираги ортидан чопади.

Аммо билмайдики, бу ортидан чопаётгани сароб ва ҳеч нарса эканлигини. Дақиқа, соат ва кунлар ўтяпти, умр ўтяпти. Охир борар жой эса тупроқ...

Тупроқ остига кетганлардан бирортаси, ҳикоя айтгани бизга қайтмайди. Қабр дарчалари кўрлик томон очилган.

Бирор киши бирор нарса кўрмайди, бирор нарса билмайди. Кўрлик пардаси ҳаммининг юзига ташланган. Фақат ўша жойга ўзи борган лаҳзадагина кўради.

Ҳар биримизнинг фурсатимиз ҳаётимиз... бундан ўзга фурсат йўқ!

Доктор Мустафо МАҲМУД.
«Ўлим ортида не гаплар?» китобидан.

ДЎСТЛИК УЧРАШУВИ



Сайрам туманининг Қорамурт қишлоқ Маданий уйида Жамоат тотувлиги бирлашмасининг Тўлебий ва Сайрам тумани филиаллари ташкилотчилигида Қорамурт, Ақсу ва Маданий қишлоқлари бийлари, оқсоқоллари, зиёлилари дастурхон атрофида «Дўстлик учрашуви»ни уюштиришиб, икки қишлоқ вакиллари бир-бирларини Наврўз айёми билан табриклаб, эзгу тилаklarини изҳор этишди.

«Жанубий Қозоғистон» мухбири.

● Обуначиларимиз орасида

Сухбатдошимиз – доимий жамоатчи обуначимиз, Қорачиқ қишлоғида корхоналар барпо этиб, янги иш ўринлари, пахтаининг янги истиқболли навларини яратган тажрибали тадбиркор-деҳқон Ҳабибулла Азимов.

Ҳ. АЗИМОВ: ҚОРАЧИҚ ҚИШЛОҒИ ХУШҲАБАРЛАР АРАФАСИДА



– Сухбатимиз аввалида тарихга назар ташласак. Собиқ Туркистон тумани ўтган аср охирида Туркистон шаҳри таркибига қўшилиб фаолият юритди. 2018 йили янгидан Туркистон вилояти ташкил этилгач, Кентов шаҳри таркибига ўтди. Ниҳоят, давлатимиз раҳбари Қ. Тўқаевнинг яқиндаги тарихий Фармони билан янгидан Саврон тумани ташкил этилиб, 12та қишлоқ округи 721 минг гектар майдон билан унинг таркибига кирди. Жумладан, Қорачиқ қишлоқ округи ҳам.

– Тўғри, туман ва шаҳар тушунчаси ўзи айтиб турганидек, икки тизимни ифодалайди. Шаҳар таркибида бўлганимизда, хоҳ Туркистон, хоҳ Кентов бўлсин, шаҳар ҳокимининг қишлоқ хўжалиги бўйича масъул ўринбосари ва қишлоқ хўжалиги бўлимини истисно қилганда, барча асосий саъй-ҳаракат, режа ва маблағ шаҳар тараққиётига мўлжалланган бўларди. Вилоят ҳокими Ўмирзақ Шўкеевнинг ташаббуси, саъй-ҳаракатлари, давлатимизнинг янги Саврон туманини ташкил этиш тақлифни кизгин қўллаб қувватлайман. Бу – барча ҳамқишлоқларим, ҳамкасбларим, ёшу қарининг муштарак фикри. Деҳқонлар учун ер, сув, техника, ўғит, ҳосилдорлик каби масалаларда эндиликда яхши имкониятлар, янги истиқболлар пайдо бўлади. Қишлоқларда ободонлаштириш юксалиб, тараққиёти таъминланади.

– Оби ҳаёт тақчиллигининг олдини олиш учун Қорачиқ сув омборини бунёд этиш режаси борасидаги ташаббусингиз ҳақида гапириб берсангиз.

– Яна ўша шаҳар ва туман мавзуга бориб такалади. Қишлоғимиз ўртасидан оқиб ўтувчи, тоғдан келадиган сой устида тўғон қуриш орқали 5 млн. куб. метр ҳажмдаги сув омборини барпо этиш ғоясини қишлоғимиз Туркистон шаҳри таркибида бўлганида бошлаганман. Йилларга чўзилган югур-югур, лойиҳа тайёрлаш, мутасадди ташкилотлар томонидан тасдиқлатиш, рухсат олиш каби босқичлар поёнига етгунча Қорачиқ қишлоғи Туркистон шаҳри таркибидан Кентовга ўтди. Кўп харажатлар эвазига тайёрланган қишлоғимиз сув омбори лойиҳа-смета ҳужжатлари мантӣқ бўйича Кентов шаҳри таркибида давом этиб, қурилиш бошланиши керак эди. Аммо, амалда бундай бўлмади. Энди, насиб этса, янги Саврон тумани ҳокимлиги таркибида ушбу ажойиб лойиҳа амалга ошишига ишончим комил. Қишлоғимизда сув омбори қурилса, 1500 гектар ҳосилдор ерлардан мўл ҳосил олиш имконияти тугилади. Бу эса янги иш ўринлари, қишлоғимиз йигитларининг олис шаҳарларга бориб эмас, ўзимизда меҳнат қилиб, даромад топиш, рўзгор тебратиши демакдир. Туркистон шаҳри аҳолиси, зиёратчилар учун қишлоғимизда етиштирилган ҳар қанча қишлоқ

хўжалиги маҳсулотлари харидорини топиши аниқ.

– Минтақа иқлимга мос, сувсизликка чидамли, ҳосилдор, тез пишиб етиладиган, толаси узун, сизлар яратган чигитнинг янги “Туркистон” нави бу йил вилоят бўйича қанча гектарга экилади?

– “Туркистон” нави вилоятимизнинг жануби ва шимоли учун мос эканлиги боис, жорий йилда жами 8 минг гектарга экилаши режаланган. 400 тоннадан зиёд сифатли уруғлик чигит заҳирасини тайёрлаганмиз. Чордара, Сароғоч, Жетисайдан келиб уруғлик чигит олиб кетишмоқда. Ўзимизнинг “Турон” хўжалигида “Туркистон” навини 850 гектар майдонга экамиз.

– Тажрибали соҳа мутахассислари жорий йилда сув танқис бўлишини, омборларда сув заҳираси етарли эмаслигини айтишмоқда. Сизнинг фикрингиз?

– Мен аввал ҳам айтганимдек, ер ости денгизи устида яшаймиз. Шу боис, аретзиан қудуқларни ишга қўйиш орқали масалани ижобий ҳал қиламиз, деб ўйлайман. Битта қудуқни ишлатиш учун 300-350 минг тенге қийматида электр энергияси сарфланади. Демак, ҳосилдорликни ошириш зарур. Бу йил илк бор 170 гектар майдонда ёмғирлатиб суғориш усулини жорий этиб, маккажўхори, беда, бўғдой экинлари майдонини кенгайтираман.

– Муштарийларга тилакларингиз

– Биз азалдан “кўксидан тоғлар кўтарган танти деҳқон – ўзбегим”, деб таърифланган бободехқон аждодларимиз билан фахрланиб келганмиз. Оқ олтин – бизнинг брендимиз. Пахта толаси ҳар қачонгидан ҳам қадрли, қиймати юқори. Унинг гўзапоёси эса ўчоқ-тандирга ўтин, чорвачиликда тўйимли озуқа. Шу боис, пахтакорларни, барча ҳамюртларимизни Наврўзи олам билан муборакбод этиб, хирмонларига, даромадларига қут-барақа, оилаларига саломатлик ва осойишталик тилайман.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Суратда: Ҳабибулла Азимов укаси Сайфулла ва ўғли Азизбек билан. Муаллиф тасвири.

ЭЪЛОН!

Туркистон вилоят ўзбек этномаданият бирлашмасининг ҳисобот-сайлов йиғилиши кенгаш аъзоларининг қарори билан кейинга қолдирилди.

Туркистон вилоят ўзбек этномаданият бирлашмаси.

“Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти жамоаси таҳририятнинг нафақадаги ходими Мухтор Муҳаммедовга укаси, мухбир Наргиза Мавлоновага тоғаси
Ғофир ҚўРҒОН ўғлининг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдириб, чуқур таъзия изҳор этади.

Аллоҳ марҳумни ўз раҳматиға олсин!

● Газетхон хонадон – жамият кўрки

Таҳририятга кўнғироқ қилган онахон кўп йиллик газетхонимиз эканини айтиб, “Қизим бизникига бир келиб кет, турмуш ўртоғим 80га, мен 79га тўламан, турмуш қурганимизга 58 йил бўлади”, деди. Ая билан учрашиш мақсадида Шимкент шаҳрининг Хотинкўприк даҳасига бордим. Мени юзларидан меҳр ёғилиб турган Умриниса ая ва қўлида жажжигина қизалоғи бор истарали келин кутиб олди.

Шинам хонада компьютерда қандайдир рангли чизмалар устида ишлаб ўтирган отахон билан саломлашдим. Мақолам қаҳрамони Салоҳиддин Эминов ўз касбининг фидойиси бўлганлиги боис, унинг ҳаёти ва фаолиятини оммавий ахборот воситалари кўп ва хўп ёритишган. Собиқ Иттифоқ давридаги “Правда” газетасида чиққан мақолалар хориж тилларига таржима қилиниб, у кишини кўплаб хорижлик ҳамкасблари ҳурмат қилишар, ҳозирги кунгача хабарлашиб туришаркан.

1958 йилда ўрта мактабни тамомлаган Салоҳиддин Эминов “Деревохимпром” корхонасида ва “Партия XXI съезди” совхозида дурадгор, механик сифатида меҳнат қилди. 1964 йилда билими ва тажрибасини янада мустаҳкамлаш мақсадида Қозоқ кимё-технология институтининг “Кимё саноати машиналари ва ускуналари” факультетига ўқишга кириб, 1969 йилда имтиёзли диплом билан тамомлади. Шу йилдан эътиборан шаҳримиздаги “КазНИИхимпроект” МЧБда меҳнат фаолиятининг янги жабҳасини бошлади.

Кўп йиллик меҳнати давомида Собиқ Иттифоқ даврида Украина, Бошқирдистон, Доғистон республикалари, Россиянинг Пермь шаҳридаги кимё заводлари, Шимкентдаги “Фосфор”, “Химфарм”, “Цемзавод”нинг кўшимча цехлари лойиҳаси устида ишлаган, ҳатто Темиртаудаги металлургия комбинати домна печини такомиллаштирган. Собиқ фосфор заводи ўрнида барпо этилган бир неча янги корхонанинг лойиҳасини ҳам у чизган экан.

Кексаликнинг зийнати заковат ва мулоҳазакорлик нақлининг инъикосини айнан Салоҳиддин отада кўрдим.

– 52 йилдан буён шу институтда ишлайман. Мен кексайдим, энди дам олай, дегандим. Ўтган йили илтимос қилиб, ишга қақаришди. Бугунги кунда ушбу соҳада ишлайдиган кадрлар жуда танқис. Шогирдларим жуда кўп, улар дунёнинг турли бурчакларида истиқомат қилишди, баъзиларини танимай қоламан. Африкада самолётларда тушганимда бир йигит кучоқ очиб кутиб олди. Танимадим, қарасам бирга ишлаган шогирдим экан. Касбим туфайли Германия, Бельгия, Хитой, Туркия, БАА ва бошқа кўплаб хорижий мамлакатларда бўлдим. Авваллари институтда 80 нафар киши меҳнат қиларди. Ҳозир кўпчилиги бошқа давлатларда ишлашади. Докторлик, фан номзодига эга шогирдларим талайгина. Америка, Германия ва Россияда бирга ишлаган шогирдларим бор.

– Кўзойнаксиз ишлаб ўтирибсиз, қолаверса сизнинг ёшингиздагилар учун техникани ўзлаштириш қийин эмасми?

– Компьютер билан ишлаганимга 31 йил бўлди. Аввал кўлда чизардик, ўчирардик, яна чизардик. Собиқ Иттифоқ пайтида 80 одам фаолият юритсак, 50-55 одам ҳар куни ишда бўлардик, дам

ҲАЛОЛ МЕҲНАТ ЭЪТИРОФГА ЛОЙИҚ



олиш ҳам, таътил ҳам бермасди. Бу ақлли техника туфайли 5-10 кишининг ишини ёлғиз ўзим бажарялман. Кўзойнакни 40-45 ёшимда таққанман, ҳозир эса тақмайман, – деди Салоҳиддин ота.

У ҳар бир ишга масъулият билан ёндашади, ўз устида муттасил ўқиб-ўрганади. Ярим асрдан зиёд фаолияти мобайнида муҳандислик пиллапоясидан аста-секин кўтарилиб, катта муҳандис, гуруҳ раҳбари, бош мутахассис, механик-технолог, ноорганик бирикмалар бўлими бошлиғи лавозимларидаги фидокорона меҳнатлари кўплаб мутасадди ташкилотлар томонидан муносиб баҳоланган. Чунончи, 1982 йилда “СССР минерал ўғитлар вазирилик аълочилиги” унвони билан тақдирланган.

Салоҳиддин Ҳакимжон ўғли кимё махсулотлари, минерал ўғитлар, тиббиёт ускуналари, дори ишлаб чиқариш соҳалари ҳамда мудофаа саноати иншоотларини лойиҳалаш, ишга тушириш, ўзгартиришлар киритишда бевосита қатнашган. Меҳнатга мукофот – инсон меҳнатига эҳтиром белгиси, унинг билими, малакаси ва касбий тажрибасига берилган баҳо.

ОЛТИ КЕЛИНИМ МЕНИНГ ОЙЛАРИМ, АТИРГУЛЛАРИМ

Машҳур мусаввирдан дунёдаги энг ажайиб асар яратишни сўраганларида кўп жойларни кезиб, пировардида оила, ҳаловат, меҳр-оқибат мавзусида яратган асари энг яхши деб тан олинган экан. Дарҳақиқат, қайси хонадонда нуроний отахон ёки онахон бўлса, бу оилада, албатта, файзу барака, фаровонлик, аҳиллик ҳукм суради. Салоҳиддин ота ва Умринисо аяларнинг турмуш қурганига 58 йил бўлди. Фарзандлари Махсуда Ботиржон билан, Қўтбиддин Нозима билан, Исомиддин Раъно билан, Камоллидин Нилуфар билан, Ирисбуви Улуғбек билан чиройли турмуш куриб, набиралар суйиб, фаровон ҳаёт кечирмоқдалар.

– Мана шу ҳовлида олти нафар келин билан яшайман. Улар атиргулдек яшнаб, аҳиллик, тотувлик намунасини намоеън этиб туришади. Тўрт набира келиним – Гавҳар, Севара, Ситора ва Азиза менадан бемасхаҳат қозон осмайди. Бир ҳовлида икки оила – 24 киши яшаймиз. Келинларим бир-бирларига меҳрибон. Ўзим ҳам қаттиққўл, ҳам талабчан ва

меҳрибонман. Раҳматли қайнонам мени ҳам тарбиялаб, оила тебратишни ўргатган. Мен ҳам келинларимга рўзгор тутиш сир-асрорларини бугунги кунгача ўргатиб келялман. Оиламизда гина-араз йўқ. Барчамиз бу дунёга ғаниматмиз, ҳеч ким бир-бирининг дилига озор етказмай яшаса, дейман. Дилозорлик – инсон қалбидаги энг оғир тош. Самимийлик ва беғуборликка нима етсин. Фарзандларим сўзимни икки қилмайди. Барчаси меҳнатқаш, тадбиркор. Отасининг измидан чиқмайди.

2014 йили биргаликда ҳаж амалларини адо этдик. Аллоҳга минг қатла шукр. Фарзандларим бахтли-тахтли, ували-жували, меҳр-муҳаббатли. Биз пиру бадавлат инсонларимиз. Бойлигимиз – 5 ўғил-қиз, 24 невар, 25 эвара. Илойим, уларнинг сафлари янада кенгайиб, авлодимизнинг етуқ ва баркамол фарзандлари бўлишсин. Бизга уларнинг ширин сўзию, набира ва эвараларининг шўхлигидан ортиқ малҳам йўқ, – дейди Умриниса ая.

– “Жанубий Қозоғистон” газетасига муносабатингиз, деган саволимга онахон шундай жавоб берди:

– Газета-журнал ўқиш – жону-дилим. Ўзим почтага бориб, обуна бўлиб келаман. “Жанубий Қозоғистон” вилоят газетасига биринчи навбатда эзиламан.

Хушчақчақ, ширинсухан, оқила Умриниса ая қариндош-уруғлар, маҳалладош, синфдошлари, тенгқурлари орасида ҳурмат-эҳтиромга сазовор, маслаҳатгўй аёл. Турмуш ўртоғини шу қадар эъзозлашиб, унинг ҳар бир хатти-ҳаракати, муомаласидан кўриниб турибди. Мени ўз қизларидек бағрига босиб, кузатиб қолган аянинг илиқ сўзлари хотиралар гирдобига олди. Раҳматли онам ҳаёт бўлганларида мана шундай меҳрга беланиб яшардим...

Дарҳақиқат, ҳар бир инсон ёши улгайганда фарзандларидан кўпроқ меҳр-мурувват кутиб яшайди. Авлоддан-авлодга ўтиб келаётган қадриятларимиз анъаналаримиз, бебаҳо меросимизнинг донишмандлари бўлган кексаларни эъзозласак, қадрласак, бизга ҳам бахтли кексалик насиб этади, иншааллоҳ.

Мухтабар УСМОҲОВА.

Тасвирда: мақола қаҳрамонлари келинлари Раъно, Нилуфар, набира келинлари Гавҳар, Севара, Ситора, Азиза ва эваралари билан.

ЮГНАК ҚИШЛОҒИНИНГ ЮТУҚЛАРИ



Саврон тумани, Югнак қишлоқ округи оқсоқоллар кенгаши раиси, вилоят оқсоқоллар ҳайъати аъзоси, йириклаштирилган хўжалик пойдеворини тиклаган заҳматқаш раҳбар, кўплаб мукофотлар соҳиби, деҳқон ва чорвадор Фарҳод Абдуллаевни 72 ёшга тўлиши муносабати билан таҳририят номидан муборакбод этиб, сиҳат-саломатлик ва узоқ умр тилаймиз.

Наврўз байрами арафасида вилоятимизда Саврон тумани ташкил этилди. Бу янгиликни кўп йиллар орзу қилган эдик. Шаҳар таркибидаги қишлоқ бўлишнинг қийинчилигини кўп бора амалда бошимиздан ўтказганмиз. Қишлоқ хўжалиги соҳаси иккинчи даражали бўлиб келганини эътироф этишимиз керак. Энди бу нарсага чек қўйилди. Саврон тумани ташкил этилганини эшитиб, чин дилдан қувондим. Бизнинг Югнак қишлоқ округи ҳам эндиликда янги режалар асосида жадал ривожланишига, обод ва фаровон бўлишига ишончим комил, – дейди Ф. Абдуллаев.

– Деҳқончилик хусусида гапириб берсангиз.

– 200 гектарга кузги буғдой эдик. Маҳсари майдонини кенгайтирамиз, чунки, унга талаб ортапти, баҳоси ҳам мақбул.

– Обикор деҳқончиликда қудуқлардан фойдаланиш тажрибасини ўртоқлашсангиз.

– Сув – оби ҳаёт манбаи. Қудуқлар ҳисобига ерларни тўлиқ ўзлаштириш мумкин. Бу йил зарурат туғилса, яна шу усулни қўллаймиз.

– А. Югнакий номли мактаб директори Дилмира Файзиева мактаб спорт зали ҳамда биносини тубдан таъмирлаш зарурлигини айтди...

– Тўғри. Биз мактабнинг ертўласини бокс тўрага учун мослаштириб, фойдаланиш учун шароит яратиб бердик. Тадбиркор Ержан Мустафаев янги мактаб қурилишини бошлади. Саврон туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда ушбу масалани ижобий ҳал қилиш ҳаракатидамиз.

– Муштарийларимизга тилакларингиз...

– Наврўзи олам тантанаси бирлик, ҳамжиҳатлик, барака тимсоли. Байрам муборак бўлсин! Жорий йил А. Навоийнинг 580 йиллиги муносабати билан ўтказилган тадбирда “Жанубий Қозоғистон” вилоят газетаси ва “Туркистон” шаҳар газеталари обунасини ушшоқли ташкил этиш ҳақида мурожаатнома қабул қилинган экан. Бу ишга барчамиз бир ёқадан бош чиқариб ҳисса қўшсак, нур устига нур. Ҳамюртларимизга саломатлик, янгидан янги зафарлар тилаб қоламан.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Директор–Бош муҳаррир —Алишер Ғофуржон ўғли СОТВОЛДИЕВ.

Бош муҳаррир

ўринбосарлари:

Муроджон АБУБАКИРОВ.

Авазхон БҮРОНБОВЕВ.

Масъул котиба –

Шаҳноза УСМОҲОВА.

Масъул шахслар:

Туркистон, Кентов — Шомирза МАДАЛИЕВ. 8(72533) 2-40-07.

Тўлебий — Баҳорой ДҮСМАТОВА. 8(72547) 6-07-16.

Қазигурт — Хуршид ҚҮҶҚОРОВ. +7-701-447-37-42.

Сайрам — Мухтабар УСМОҲОВА. +7-707-257-97-36.

Тулкибош — Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7-747-144-60-71.

Обуна, реклама ва эълонлар — Зокиржон МҮМИНЖОНОВ. +7-702-278-96-90

Қозоғистон Республикасида тарқатилади.

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.

Мулк эгаси – “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти” масъулияти чекланган биродарлиги.

● Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.
● Фойдаланилмаган мақола-ларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

МАНЗИЛИМИЗ: 160000, Шимкент шаҳри, Диваев кўчаси, 4-уй, 4-қават. Телефон: 53-93-17. Телефакс: 53-92-79.
Бухгалтерия: 39-16-44. +7-747-701-50-55

Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирилик томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинб, КЗ34VPY00022503 гувоҳнома берилган.

Нашр кўрсаткичи – 65466. Адади – 12100 нусха.

*“ERNUR-print” МЧБ босмахонасида чоп этилди, Шимкент шаҳри, Т. Алимқулов кўчаси, 22.

Буюртма: 694.

Навбатчи муҳаррир: Саодат ШАРИФБОВЕВА.